

Мен тақвода суст эканман



15:50 / 25.12.2019 4891

Устозим бирдан «Юр, бир жойга борамиз!» дедилар. Хайрон бўлиб эргашдим. Охири сабрим тугаб, қаерга кетаяпмиз ўзи?» дедим.

«Бир танишим бор, қалин дўстим. Тақволи оила. Бўйи етган қизлари бор экан. «Яхши куёв бўлса далолат қилинг» деган эди. Совчиликка борамиз» дедилар.

Ҳайратим янада ошди, «Нима, мени кўнглимга қарамайсизми?» дейишимни биламан, кулиб юбордилар. Ўзим ҳам уялиб кетдим. Хуллас айтилган манзилга етиб келдик.

Кичиккина ҳовли. Озода, саранжом ва саришта. Айримлар таъмирталаб, эски ҳовли деса, мени тилимда жуда файзли дегани бўлади.

Чунки инсонларни уй-жойига қараб баҳо бермайман. Бир киши бизни ичкарига таклиф қилди.

Устозим билан жуда қалин кўришди. Уларнинг гап-сўзидан яқин биродар эканликлари сезилиб турарди.

Мен хижолатомуз сўрашдим. Бундай учрашувга на тайёр эдим ва на кутган эдим.

Уйга кирдик. Мезбон бироз баланд овозда «Меҳмон!» деди. Дарров нариги хонада чойнак овози эшитила бошлади.

МашаАллоҳ, уйдаги тарбия ва бошқарув мени ҳайратда қолдирган эди. Улар ёшликдаги воқеаларни эслашиб ўтиришар, мен эса худди кўринмас одамдек - улар мени пайқамасди. Бироздан сўнг суҳбат менда айлана бошлади. Устозим шунча танишлари орасидан биродарига мени раво кўрганини ва қанчалик ишонишини фахр ила гапирарди.

Мен эса шу онда бу ердан ғойиб бўлиб қолсаму, хижолат чекмасам дердим. Шу пайт ошхонадан Змарта тиқирлаган овоз келди. Мезбон «Мен ҳозир» дея туриб кетди. Устозим, дўстимнинг қизи жуда яхши қиз, одобли. Бу уйда эркак бошлиқ, шу сабабли хонадонда тартиб бор дедилар. Шу он хона бурчагидаги китоб жавони мени ҳалоскорим бўлди. Аҳамият бермагандек ўрнимдан туриб китоб олдига келдим. Бирин-кетин жавондаги китобларга разм солар эканман, энг четдаги эски Қуръонга кўзим тушди. Қўлимга олдим. Ичини очиб, кўрдим. Китобнинг варақлари деярли титилиб кетган эди. Шу ондаёқ танамни титроқ босди. Айрим саҳифаларни сиёҳи кўринмай кетганди. Диққат билан разм солсам, «Жаҳаннам ҳақидаги оят»лар экан. Қуръон ўқувчи айнан шу жойига келганида кўзидан дув-дув ёш тўкилиб, варақдаги ҳарфлар оқай дебди. Мени танам энди музлай бошлаганди. Шу пайт мезбон патнисда чой ва алланималардир олиб кирди. Унинг юзида мамнуният бор эди. Мен у кишига тикилиб «Бу Қуръонни ким ўқийди?» дедим. У киши таажжубланиб «қизим!» дедилар.

Кўксимга ҳаво тиқилди, шу ондаёқ кўзимга ёш тўлди. Агар бир нафас олсам йиғлаб юбораман.

Шундай ҳам бўлди...Кўчада йиғлар эканман, кўксим тез-тез тўлиб кетар, бир хўрсинсам, кўз ёшим шашқатор бўларди.

Кўп ўтмай ортимдан устозим чиқди. «Нима бўлди?» дедилар тушунар тушунмас. «Мен бундай қизга мос эмасман. Бу қадар тақво соҳибаси мени

қўлимда хор бўлса, эртага Аллоҳга нима деб жавоб бераман? Бу қиз хақиқий солиҳ ва зоҳид инсонга муносиб. Мени кечиринг» дедим... «Кечирасиз, мен кетишим керак», деб уйдан чиқиб кетдим. Улар хайратда, мен эса кўз ёшда... Йўл-йўлакай минг хил хаёл билан уйга келдим.

Хонамда мусхафим турарди, янги ва тиниқ. Яна кўзларим ўзимга бўйсунмади. Ўзимга ачиндим. Айнан шу ҳолатимдан қўрқиб кетдим. Мен тақвода жуда ҳам суст эканимни гувоҳи бўлдим.

Аллоҳим, барчамизни солиҳ бандалардан қилгин!

Муаллиф Жаҳонгир Иброҳимов